



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 24-avgust • Seshanba • 98-99 (31.219) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон



2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 509,4 мингта янги иш ўрни, шундан 350,1 мингдан ортиғи (68,7 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларни касаначилик халқ хунармандчилигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан 127 мингта, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 46,1 мингта, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 80,9 мингта иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 300 минг нафардан ортиқ киши касаначилик билан қамраб олинди.



Мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун жорий йилнинг биринчи ярмида 4,2 триллион сўм ва 79 миллион доллар йўналтирилди. Бу борада кўрилган чора-тадбир натижасида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди, ёш оилаларга қиймати 55,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами

■ 21 август куни «Ил-76» транспорт самолётида Тошкентдан Ислмободга табиий офатдан жабрланган Покистон халқига Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Вазни 40 тонна ва қиймати 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi мазкур инсонпарварлик ёрдами энг зарур нарсалар, жумладан, чодир, кўрпачушак, ичимлик суви, доридармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат.

Ўзбекистоннинг ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу ерда инглиз тилида нашр этиладиган «World Tribune Pakistan» газетаси ўз саҳифалари ва веб-сайтида «Ўзбекистон тошқиндан жабр кўрган Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами жўнатди» сарлавҳаси остида материал чоп этди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Ўзбекистон ушбу мусибатли кунларда қардош Покистон халқини кўллаб-қувватлади. Республика раҳбарияти Покистонда тошқиндан азият чеklangанларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди».

Инглиз тилидаги яна бир веб-сайт — «Daily Times» «Бутун дунё Покистонга тошқин оқибатларини бартараф этишда ёрдам бермоқда» сарлавҳали материални эълон қилди. Унда қуйидагилар қайд этилган: «Ўзбекистон Покистонга тошқин курбонлари учун 40 тонналик ёрдам юкани етказиб берди. Чодир, кўрпачушак, ичимлик суви, доридармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат ушбу ёрдам Ўзбекистондан транспорт самолётида келтирилди».

Ўзбекистон томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдамини Покистон вакилларига топшириш

маросими, шунингдек, «EuroNews» Европа телеканали орқали кенг ёритилди. Мазкур тадбир ҳақидаги фотоларга «Associated Press» (АҚШ) ахборот агентлигининг электрон саҳифасида ҳам эълон қилинди.

Айни вақтда Ўзбекистон томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами Покистон жамоатчилиги, расмий ва дипломатик доиралари томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.

Хусусан, инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида иштирок этган Покистон Ислмо Республикасининг Давлат ташқи ишлар вазири Навабзода Малик Амад Хон бундай дейди:

«Мен ҳукуратимиз номидан Ўзбекистон Президенти Ислмо Каримовга ва бутун қардош ўзбек халқига юборган ушбу зарур инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

2005 йили Покистон zilzila оқибатида вайрон бўлган пайтда ҳам Ўзбекистон халқимизга биринчилардан бўлиб ёрдам кўлини чўзган ва Ислмободга инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу огир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдоримиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одама жабр кўрди.

→ 2



Қонун лойиҳаси юзасидан

партиямиз депутатлари нуқтаи назари фракция тақдим этган ҳужжатда акс этди

ЎЗХДП фракцияси фаолиятдан

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этишга ҳозирланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси учун Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси масъул этиб белгиланган. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси ҳам лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаган эди. Депутатлардан иборат ишчи гуруҳи эса ҳужжатни тако-

миллаштириш бўйича фракция таклифларини ишлаб чиқди, уни муҳокама қилиб, масъул кўмитага топширди.

— Биз ҳар қандай қонун лойиҳаси мукамал бўлишини истаймиз, — дейди фракция аъзоси Анвар Бойкулов. — Ҳар бир ҳужжат устида ишлаётганда партиямиз электорати манфаати-

ни ҳисобга оламиз. Юқоридаги қонун ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари манфаатлари билан боғлиқ. Шунинг учун лойиҳанинг дерили ҳар бир моддасини такомиллаштириш бўйича ўз таклифимизни бердик. Улар орасида оддий тахририй тузатишлардан, принципал масалаларгача бор. Мисол учун, имконияти чекланган фуқаролар учун ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган меъёрларни кучайтириш масаласини илгари сураямиз. Бундан ташқари, бизнингча, лойиҳани кўшимча модда

билан тўлдириш лозим. Мазкур модда ахборот-кутубхона институтлари умумий манфаатини ифода этишга ва ҳимоя қилишга қаратилган, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона институтлари бирлашмасини ташкил этиш ҳуқуқини таъминлайди.

Фракциямиз ўз таклифларини берди. Ундан фойдаланиш масъул кўмита эътиборига ҳавола, албатта. Лойиҳа палата ялпи мажлисида иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилади, шунда биз ўз позициямизни ҳимоя қиламиз. **Бехўд ШУКУРОВ**

Миллат фахри, юрт обрўсининг рамзи → 4

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият → 7

Тезкор замонда, ахборот асрида яшамоқдамиз. Лекин Ўзбекистондаги бунёдкорлик ва янгиланиш шиддати янада ошди. Уч йил илгари келган эдим. Шу қисқа вақтда катта ўзгаришлар юз берди. Бу мамлакатнингизнинг барқарор иқтисодий тараққиёти ифодасидир.

Саҳат дастурига кўра, шаҳардан-шаҳарга ўтиб борарганимиз, қишлоқларнинг обод манзилларга айланганга қараганда кўза ташланади. Ўзбекистон раҳбарининг бевоқоф гамхўрлиги тўғрисида қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қурилоётгани ибратли иш.

Рамбо ФИЛИП, дастурчи (Франция)

ОБ-ҲАВО 24-25.08.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	38°C	39°C
Самарқанд	39°C	40°C
Нўкус	39°C	40°C
Қарши	42°C	41°C
Урганч	39°C	40°C
Навоий	38°C	39°C
Фарғона	37°C	38°C
Бухоро	38°C	39°C
Андижон	37°C	38°C
Наманган	37°C	38°C
Термиз	42°C	43°C
Жиззах	38°C	39°C
Сирдарё	38°C	39°C
Тошкент вил.	38°C	39°C

Лондон	33°C	34°C
Париж	37°C	38°C
Москва	37°C	35°C
Мадрид	37°C	38°C
Пекин	35°C	34°C
Гонгконг	38°C	40°C
Рим	35°C	37°C
Анкара	34°C	36°C
Токио	34°C	35°C
Стокгольм	33°C	35°C
Кейптаун	24°C	23°C
Қоҳира	33°C	34°C
Гавана	40°C	38°C
Вашингтон	27°C	26°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар аниқлашганда



→ 3
Толеига саодат битилган диёр

Ўзбекистон мадҳияси

каноэ бўйича иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Вадим Меньков шарафига Поляшада янгради

Познань шаҳрида байдарка ва каноэ бўйича ўтган жаҳон чемпионатида 71 давлатдан энг кучли спортчилар ғолиблик учун курашишди. 1000 метр масофага каноэда яққалик сузишда ҳамюртимиз Вадим Меньков 3.51,72 дақиқа натижа билан Пекин олимпиадаси чемпиони ҳам ортда қолдирган ҳолда, марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Зангори экран ор-

қали унинг шарафига Ватанимиз байроғининг баланд кўтарилишини кўриш ва Давлатимиз мадҳиясининг янграётганини эшитиш қалбимизда фахр-ифтихор уйғотди. Вадим Туйтепа шаҳрида тутилган. Утган йили у Канадада бўлган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан. Шунингдек, жаҳон кубоги мусобақаларида ҳам зафар кучган. Шу боис, Вадим

Меньков Халқаро эшак эшиш федерацияси мутасаддилари томонидан 2009 йилдаги жаҳоннинг энг кучли каноэчиси деб топилган эди. Ўзбекистонлик спортчи бу юксак унвонни шараф билан ҳимоя қилди. У иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлиш билан бирга, эртаси куни 500 метрга каноэда сузишда жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 IYIL 24 AVGUSTDAN BO'SHLAB XORJIIY VALIUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1437,35	1 Ингр фунти	283,33	1 СДР	2432,40	10 Жанубий Корея вони	13,64
1 Англия фунт стерлинги	2508,88	1 Канада доллари	1539,28	1 Туркия лираси	1064,13	10 Япония иенаси	188,97
1 БАА дирҳами	439,18	1 Хитой юани	237,28	1 Швейцария франки	1561,03	1 Россия рубли	52,87
1 АҚШ доллари	1613,01	1 Малайзия ринггити	515,83	1 Евро	2067,01	1 Украина гривнаси	204,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президент Осиф Али Зардорий: «Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги номидан Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтманки, покистонликлар қардош ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди. Дўст кулфатда билинади! Покистонликлар учун оғир кунларда ўзбек халқининг олижаноблик ва бағрикенглик билан зарур ёрдам кўрсатгани айна мана шу халқ мақолининг яна бир ифодаси бўлди».

Покистон Фавкулдада вазиятлар агентлиги раисининг ўринбосари Немаатулла Хон Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон томонидан кўрсатилган мазкур ёрдам яқинда содир этилган киргизистонлик қончилар билан боғлиқ ижтимоий фожиадан кейин ажратилгани, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, «ушбу инсонпарварлик ёрдами мамлакат ҳуқуқати томонидан тасдиқланган ишлар режасига биноан зудлик билан вилоятларга тақсимланади. Болалар озқаси, ун, гурч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари икки кун ичида жабранган аҳолига, жумладан, Навшаҳар ва Аттот аҳоли пунктларига етказилади.

Инсонпарварлик юқи таркибда келтирилган фармацевтика воситалари эса талафот қилган ҳудудларга дори-дармон етказиб берилишини мувофиқлаштириб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирлашган навбатчи штаби ва Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилотининг Покистондаги ваколатхонасига топширилади».

Инсонпарварлик юқини жўнатишда қатнашган Покистон Ислон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Муҳаммад Воҳид ул-Ҳасан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига Покистон халқига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаркан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Покистон Ислон Республикасида рўй берган табиий офат туфайли қарийб 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, тақдирини тоқиб қўйиб бўлиши кутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали кузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабранганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айна пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озқасига, айниқса, эҳтиёж қатта.

Ўзбекларда ҳам, покистонликларда ҳам «Дўст кулфатда билинади», деган мақол бор. Мамлакатларимизни азалдан дўстлик ва қардошлиқ ришталари боғлаб туради. Покистон халқи 2005 йилда рўй берган зилзила вақтида Ўзбекистон етказиб берган ёрдамни унутгани йўқ. Шунинг таъкидлаши истардимки, Покистонда ўзбек халқи, унинг қадимий маданияти ва аъёнлари гоят юксак қадрланади. Бугунги кунда Ўзбекистон кўлга киритаётган ютуқлар бизни ҳам қувонтиради».

«Жаҳон» АА

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

аввало электорат ўртасида иш олиб борадиган тренерлар, модераторларни тайёрлаш керак



Услубият кенгашида

■ Электоратнинг фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши, ўзини муайян партияга мансуб деб билиши ҳамда уни қўллаб-қувватлаши демократик жамиятга хос хусусият. Мамлакатимизда бу жараён чуқурлашиб бораёпти. Бунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

2006 йилдан бошлаб партияда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими жорий этилиб, мунтазам семинарлар ўтказиб келинади. Бу ўқув-семинарлар партия фаоллари сафини кенгайтириш, электорат вакилларига Ватанимиз ва унинг атрофида бўлаётган сиёсий воқеалар моҳиятини тушунириш, партия ва унга хайрихоҳ қатлами ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Давр олдимизга янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар фаолиятида электорат билан иш олиб боришнинг оқилона усулларидан, замонага ҳамоҳанг сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу эса ЎзХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини янгиллаш, сифат жиҳатдан кучайтириш, ўқув-семинарлар самарадорлигини оширишни та-


лаб этмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгаши ахборот-ресурс маркази услубият кенгашининг ййгилишида ана шу масала муҳокама этилди. Утган ўқув йили якуни таҳлил этилиб, олдиндаги муҳим вазифалар қўриб чиқилди.

— 2009-2010 ўқув йилидан бошлангич тақдирларимизда ҳам сиёсий ўқув-семинарлар ўтказишни йўлга қўйдик, — дейди Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Менимча, айнан бошлангич тақдирларда ўтадиган ўқув-семинарлар энг кўп самара бериши керак. Чунки уларда партия аъзолари, фаоллари билан бирга, кўпроқ электорат вакиллари билан олиш имкони бор. Аммо қуйи бўғинда семинарларни қўлга олиш йўлга қўйилмади. Бундан ташқари, тизимни янгиллаш, самарадорлигини ошириш юзасидан олдимизда қатор вазифалар турибди. Хўш, бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

Зокиржон ХОЛМАТОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудир:

— Инсон ҳар дам янгиликка, бирон-бир янгилик эшитиб, янги фикр шаклланиши мумкин бўлган, дунёқароши кенгайдиган жойларга интилади. Шунинг ҳисобига олиб, машғулотларда эски усуллардан, қизиқсиз мавзулардан қочилиши керак. Машғулотлар учун танланган мавзулар чу-

қур, батафсил, қизиқарли тарзда очиб берилиши лозим. Бунинг учун фикрни тингловчи осон қабул қиладиган тарзда етказиб бериш бўйича танловлар ташкил этиш зарур. Танловда энг яхши деб топилган мавзулардан эса ўқув-семинарларда фойдаланиш юқори самара беради.




Толиб САЙФУЛЛАЕВ, ЎзХДП Яққасарой туман кенгаши раиси:




— Ҳозир биз ўқув-семинарларнинг яқинда мавзулар, яқинда интерфаол усуллардан фойдаланаямиз. Тақдирлар шунинг кўрсатишлари кўпроқ иккинчи қисм маълум бўлмоқда. Шунинг ҳисобига олиб, машғулотларни фақат интерфаол усулда олиб бориш даркор. Бундан ташқари, семинарнинг ҳар бир тингловчиси машғулота фаол иштирок этишини таъминлаш зарур. Шунда кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудир:



— Ўқув-семинарларнинг қандай самара бериши, аввало, тақдирларчилар, мавзулар ва модераторларнинг маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун семинарларни олиб борадиган модераторларни тайёрлаш, маълумоти ошириб бориш ниятда муҳим. Бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларда ўтадиган семинарларда асосан партия кенгашлари раҳбарлари модераторлик қилишмоқда. Афсуски, уларнинг



Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Қузатишим бўйича, тайёрланаётган услубий қўлланмалар, рисолалар ва бошқа материаллар барча бошлангич партия ташкилотлари етиб бормаяпти. Бунинг механизмининг яратиш зарур. Бошлангич ташкилотларимизда сиёсий ўқув-семинарлар ўтиши учун улара еттори база — қўлланмалар, ахборотлар бўлиши керак. Бундан ташқари, ўқув-семинарларда кўтарилаётган мавзуларни оммавий ахборот воситалари, айниқса, партиянинг нашрлари кенг еришиб бориши мақсадга мувофиқдир.



Любовь ГОРБУНОВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ёшлар ахборот-ресурс маркази мудир:

— Партия ташкилотларимизнинг ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш зарур. Чунки улар семинарларни тайёрлаш, материалларни тўплашда му-

ҳим маъна бўлиши керак. Қолаверса, ўқув-семинар довомида қимматли мавзунинг янада чуқурроқ ўрганиш истаги туғилса, керакли адабиётлар ва маълумотларни шу ердан топсин.

Шунингдек, услубият кенгашининг бошқа аъзолари ҳам қўллаб-қувватлаш керак. Улар асосида партияимиздаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Асли КАМОН

Ўзимизга муносиб иш топдик

— дейишди бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этган йигит-қизлар

ЎзХДП: электорат манфаати

■ 2009-2010 ўқув йили тугаб, минглаб йигит-қизлар касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни тамомлади. Уларнинг кўпчилиги ўзлари орзу қилган олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди. Яқинда эса тест натижалари эълон қилинди. Табиийки, ўқишга кирганлар таълимнинг кейинги босқичини давом эттиради. Қолганлар эса ишга кириш, бирон машғулот билан шуғулланишга ҳаракат қилади.

Бу борада ўқувчилар учун Республика юридик коллежидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси айна муддао бўлди. Тадбир Учтепа туман ҳокимлиги, Давлат солиқ инспекцияси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда ЎзХДП туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

Мамлакатимизда янги иш жойлари барпо этиш, аҳолини ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигига эришиш ЎзХДП Дастурида белгиланган усту-

вор мақсадлардан бири ҳисобланади. — Ярмарканинг ўтказилиши партияимиз электорати учун алоҳида аҳамият касб этади, — дейди туман партия кенгаши раиси Санталат Муҳиддинова. — Жамоатчилик қабулхонасига турли саволлар билан, айниқса, иш сўраб муурожаат қилувчилар кўп. Ишга жойлашишда кўмакка муҳтож кишилар бизнинг электоратимиздир. Бу тадбир, айниқса, таълим муассасаларини битирган ёшлар учун жуда фойдали.

— Тадбирда корхона ва ташкилотлар мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этаёпти, — дейди Бан-

дликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Гулчехра Акромова. — Марказимиз тумандаги банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва маълумоти ошириш борасида турли тадбирларни амалга оширади. Жорий йил бошидан бунён каби меҳнат ярмаркалари 6 марта ўтказилди. Натижанда 1000 нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди. Утган 7 ой давомида 4500 дан ортиқ янги иш ўринлари очилган бўлса, уларнинг 2,5 мингини ёшлар банд қилди.

Жорий йил давомида меҳнат шартномаси асосида 307



та касаначилик асосидаги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 306 нафар банд бўлмаган аҳоли касаначиликка жалб этилди...

Кун давомида ярмаркага ташриф буюрувчилар кўп бўлди. Уларнинг кўзларида умид ва қувонч. Чунки қимдир ўз соҳаси бўйича иш топган, яна қимдир бошқа йўналишда қобилиятини синая кўроқчи, бошқа биров эса бепул ўқув курсларига йўлланма олган.

Маълум иш топганидан қувониб турган бир қизни сўзлаб сўрадик. — Ўзимга яраша бир ишга жойлашиб, қобилиятимни синая кўриш ниятида келганим, — дейди Республика юридик коллежи битирувчиси Нилуфар Тўраева. — Мана, орзум ушалди. «Узагротурга» компаниясида ишлаш учун йўлланма олдим.

— Мен ўз касбимдан ташқари бошқа соҳада ҳам кучимни синая кўроқчиман, — дейди секинчи юз-кўзидан шундоқ билиниб турган Маҳбуба Тоғаева. — Бу тадбир менга шу имкониятни берди. Ярмаркада жуда кўп бўш иш ўринлари тақдир этилган экан. Шулар орасидан танлаб, 24-оилавий поликлиникада ишлашни лозим топдим. Битирувчилардан ташқари, маҳаллалардан ташриф буюрганлар ҳам тадбирда фаол қатнашдилар. Ўз маҳалладошларининг кўтарини қай-

фиятини кўриб шодланган «Хуросон» маҳалла фуқаролар ййғини раиси Соҳиба Абдуллажоновна шундай дейди:

— Маҳалламизда истиқомат қилаётган вақтинча ишсиз фуқароларнинг бу тадбирга келиб, маълум иш топгани, корхоналар ҳақида тушунча олгани, керакли йўлланмани қўлга киритгани кишини мамнун қилади. Бу ерга маҳалламиздан келган 20 киши уйига ишли бўлиб қайтаёпти..

— Қизим бу йил коллежни тамомлади, — дейди мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Адолат Орипова. — Унинг мутахассислиги бўйича ишлаб, малака оширишини, жамиятда ўз ўрнини топишини истайман. Ҳар бир ота-она фарзандининг бахтини кўришини орзу қилади, албатта. Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилган. Уларнинг ўқиби, изланиби, меҳнат қилиби, ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишлари биз ота-оналарни бехад ҳурсанд қилади.

Тадбирда Учтепа туман ободонлаштириш бошқармаси, Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси, «SPENTEX TASHKENT TOYTERA» қўшма корхонаси, Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Махсус авто-транспорти», Коллектор ҳамда

дренажларни таъмирлаш ва ишлашиш корхоналари, шаҳар 3-болалар клиник шифохонаси ва бошқа қўллаб-қувватловчи бўш иш ўринлари тақдир этишди. Уларнинг ҳар бири муурожаат қилувчиларга ўз жамоаси, иш жараёни, маош ва ходимларга яратилган шарт-шароит, талаб ва мажбуриятлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

— Биз ўндан ортиқ бўш иш ўринини тақдир этаймиз, — дейди «Saipro» ахборот агентлиги менежери Даврон Қорбоёев. — Қўллаб муурожаат бўлди. Тегшли мутахассисларнинг маълумотларини олдик. Улар билан суҳбат ўтказамиз, шунга кўра, ишга қабул қиламиз.

Бандликка кўмаклашиш маркази директори ўринбосари Фузулий Мирзалиевнинг айтишича, ўзларига маълум иш топа олмаган ёки бошқа соҳага қизиқувчилар учун 21 йўналишдаги ўқув курслари мавжуд. 18 дан 50 ёшгача бўлган фуқаролар махсус курсларда касб-ҳунар ўрганишлари, ўз меҳнат фаолиятини йўналишларини ўзгартиришлари мумкин.

Ярмаркада иштирок этганларнинг кўпчилиги турли ташкилот ва корхоналарга йўлланма олишди. Айримлари ўқув курсларига тақдир этилди. Тадбир иштирокчилари хушнуд бўлгани яққол сезилиб турар эди. Битирувчилар ҳам, иш бевуқчилар ҳам, ташкилотчилар ҳам эзгу ишни адо этаётганидан, бир-бирига яхшилик улашганидан ҳурсанд.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Эътибор: НОРМУРОДОВ олган суратлар.

ЎзХДП ҳаётидан

Қибрай туман партия кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини кенг нишонлаш, жойларда тарғибот, ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент вилоят ҳамда Қибрай туман Кенгашидаги депутатлари, бошлангич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фуқаролар ййғинлари раислари, корхона, таълим муассасалари раҳбарлари ва жамоат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Қибрай туман партия кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Иброҳим Саидов байрамни жойларда кенг нишонлашда депутатларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Мустақиллиқнинг мазмун-моҳияти, ўтган вақт мобайнида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини жамоатчиликка алоҳида таъкидлаш керак, деди у.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Қаримбеков мавзуга қилди. У ўз сўзида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарали кечаётгани, бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, юртимизда улкан ютуқлар эришилган, дунё мамлакатлари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини ўрнак олишга эътибор қаратаётгани ҳақида алоҳида тўхтади.

Ййгилишда байрам тадбирларини ташкил этишда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг иштирокини кучайтириш борасида келишиб олинди.

Қаҳқадарё вилоят партия кенгаши «Тараққийнинг Ўзбек модели — ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосидир» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Унда ўзбек модели — фақат иқтисодий ривожланиш йўли эмас, у давлат қурилишини янада мустақамлаш, маданий-маънавий меросни тиклаш, аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадларни ўзида муҳассас этгани ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариотида тараққий кўрсатгичлари барқарорлиги сақлаб қолиниши асослари таҳлил этилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари ижроси назоратида бошлангич партия ташкилотларининг тегшли муассасалар билан ҳамкорлиги масаласи муҳокама этилди.

Фаргона вилоят партия кенгашида туман ва шаҳар кенгашидаги билимий ёшларни кўпроқ жалб этиш, кадрлар захирасини мустақамлашга йўналтирилган семинар ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар партиянинг жамиятдаги обрўси кўп жиҳатдан иқтидорли кадрларга боғлиқ эканини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ —

миллат фахри, мамлакат обрў-этиборининг рамзи

Ўзбек астрономларининг чексиз коинотни кузатиб, ҳали жаҳон олимларига номаълум кичик сайёрани кашф қилиши ва унга Юртбошимиз тақлифига кўра «Самарқанд» номининг берилиши фандаги оламшумул кашфиётлардан бири бўлди. Бу кашфиёт заки фарзандларни тарбиялаган ва тарбиялаётган Ўзбек халқи номини, жаннатмонанд Ўзбекистонимиз шухратини яна бир қарра дунёга дoston қилди.

Биз мамлакатимиз олимларининг ана шундай оламшумул кашфиётлари ва уларнинг олиб бораётган илмий изланишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бош илмий котиби, кимё фанлари доктори, профессор Бахтиёр ИБРАГИМОВга муножот этдик.

— Коинотдаги кичик сайёрага «Самарқанд» номи берилгани, аввало, шу кашфиётнинг моҳиятига ва фундаментал тадқиқотларда етакчилик қилаётган Академия олимларининг бошқа жаҳонга молик ихтироларига тўғралиб ўтган.

Чексиз самодат бунгача тўртта кичик сайёра — «Ўзбекистония», «Авиценна» (Ибн Сино), «Беруний», «Ал-Хоразмий» мамлакатимиз номини улуғлаб келаётган. Энди улар сафига «Самарқанд» кичик сайёраси ҳам қўшилди. Бу кичик сайёра юртимизда ўзбек олимларининг илмий салоҳияти билан кашф этилган биринчи кичик сайёра сифатида фан тарихидан ўрин эгаллади. Унинг юлдузшунослик илмига тамал тоши қўйилган шаҳар — Самарқанд номи билан аталиши жумла жаҳонга кўптуг заминимизда буюк астрономларимизнинг ишлари заки авлодлари томонидан давом эттириляётганидан дарак беради.

Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Бу кашфиётнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши Ўзбекистонимизнинг Давлат Мустақиллигининг шарофати, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мустақиллик йилларида қадимдан илм маркази бўлган Хоразм Маъмур академияси қайтадан ташкил этилди. Суффа яси тоғида янги обсерватория қурилиши бошланди, мавжуд илмий муассасаларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Олимларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаннинг кўплаб соҳаларида жаҳон аҳамиятига молик ихтиролар қилишмоқда. **Супрамолекуляр кимё** соҳасида янги табият қонуни очилди, яъни полиморф мекон-мезон комплексларнинг тузилиши ҳосил бўлиш шароитига қандай боғлиқлиги аниқланди. **Физикларимиз** кремний асосида наноматериал ярим ўтказгичлар олишди. **Генетикларимиз** ген-нокаут технологиясини қўллаш орқали тезлашди, кургоччиликка чидамли, юкори сифатли толага эга бўлган ғўза нави яратилмоқда. **Фармацевтикада** 15 та ноёб дори препаратини олиш технологиясини ишлаб чиқилди. **Тибббётда** оқумли касаллик (А,В,С гепатит, сифилис, СПИД ва бошқаларни тезкор аниқлаш тест тизими йўлга қўйилди. **Археологларимиз** юртимиз ҳудудида Вавилон (Бобил), Хитой каби инсоният тамаддунида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳозирги замон одами аждодлари истикомат қилган марказлардан бирини топишди. **Тарихчиларимиз** Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ривожланишининг илк даврларини илмий жиҳатдан асослашди. **Шарқшуносликда** дунёдаги бекиёс қадимий қўлёмалар фонди тартибланди. **Тилшуносликда** беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилди.

Санаб ўтган ҳар бир илмий иш ва бошқа илмий ечимлар аҳамияти тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Лекин улар олимларимиз томонидан 2007-2009 йилларда эълон қилинган 10380 та илмий иш якунида, жумладан, 252 та монография, 5058 та илмий мақола, 4856 та нуфузли илмий анжуман тезисида, 212 та ўқув қўлланмада батафсил баён этилган. Бу илмий мақолаларнинг қарийб учдан бири хориждаги нуфузли илмий журналларда эълон қилинган. Яна Академиямиз муассислигида 18 та илмий журнал чиқишини эслатиб ўтмоқчиман. Улардан «Гелиотехника» ва «Табий бирикмалар кимёси» журналлари англиз тилига таржима қилиниб, чет элларда чоп этилди. Олимларимиз шу йилларда ихтиролари учун Ўзбекистон Республикасининг 114 та патентини ва янги ишланмалари учун 68 та дастурий махсуслотга муаллифлик гувоҳномасини олишди. Қатор олимларимиз 2007 ва 2009 йилларда фан ва техника соҳасида берилдиган нуфузли Давлат мукофоти, бир гуруҳ ёш иқтидорли олимлар Ўзбекистон Фанлар ака-

демияси TWAS академияси билан ҳамкорликда таъсис этган мукофотларига сазовор бўлишди.

— Академия олимлари Ўзбекистонимиз буюк келажагига хизмат қилаётган фундаментал тадқиқотлар устида иш олиб боришлари билан бир қаторда кўплаб илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этишиб, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий юксалишимизга самарали ҳисса қўшиб келишмоқда. Фаннинг амалиёт билан мустаҳкам алоқаси тараққиёт гарови бўлгани учун олимларнинг бу борадаги ишлари кўпчиликини қизқиради.

— Илмий тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш Академия иш фаолиятининг узвий қисмлари ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда олимларимизнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. **Кимё сановатида**



— Шу ўринда олимларимиз илмий махсуслотларини чет элларга экспорт қилиш тўғрисида ҳам қисқача маълумот берсангиз.

— Чет элларда ҳам илмий махсуслотларимизга бўлган талаб йил сайин ошиб борапти. 2007 йилда 2,11 миллион АҚШ доллари миқдориди илмий хажмдор махсуслотлар экспорт қилинган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 3,62 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кўтиляпти. Бундан ташқари, илмий муассасаларимиз билан чет эл ташкилотлари ўртасида икки томонлама манфаатли илмий ҳамкорликлар йўлга қўйилляпти.

— Фан эришилган ютуқлар билан қаноатланмайдиган, мамлакат истиқболини белгилаш учун тинмай изланадиган соҳа. Академияда илмий ва амалий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Фанлар академиясида 17 та устувор илмий йўналиш бўйича 2015 йилгача бўлган ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилди ва юксак технологиялар банки яратилди. Қатор илмий тадқиқот муассасаларимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жумладан, муассасаларимиз ва бошқа ташкилотлар фойдаланиши учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган дастлабки илмий марказ ташкил этилди. Сейсмология институтига қарашли станциялар реконструкция қилинмоқда ва замонавий илмий асбоблар билан жиҳозланмоқда. Қатагон қўрбонлари хотираси музей қайта қурилган бўлса, Темурийлар тарихи давлат музейи таъмирланиб экспонатлар билан бойитилди. Уммон Султонлиги билан Шарқшунослик институтининг нодир қўлёмалар сақланаётган биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини моддий таъминлаш бўйича келишувга эришилди.

Мамлакатимиздаги етакчи корхоналар билан янги илмий ишланмаларимизни жорий этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди. Олимларимиз тармоқлар томонидан молиялаштиришлари 5 та ўта муҳим интеграцион лойиҳани ишлаб чиқилди ва улар ҳукуматимиз томонидан маъқулланди.


— Фанлар академияси бундан кейин ҳам юртимиз тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолиши учун бугун қандай долзарб масалалар ечилиши керак, деб ўйлайсиз.

— Илм-фан тараққиёти давом этаверади. Энди биз дунёнинг етакчи олимлари билан басма-бас, ҳатто улардан ўзиб қадам ташлашимиз учун «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган, илм-фаннинг залворли юкнини елкасига оладиган иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этишимиз, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароит ярати беришимиз керак. Чунки илм-фанимизнинг келажаги ҳам биз гам-хўрлик кўрсатадиган, тарбияландиган ёшлар қўлида.

Илм-фанда ҳам кун тартибига ечимини қутаётган долзарб масалалар чиқаради. Бу масалаларни аждодларимиз бой тафаккур хазинасини, замондош олимларимиз тажрибасини мерос қилиб олган ёш, таъбир жоиз бўлса, баркамол олимлар ҳал этади. Академиямиздаги олимларнинг ўртача ёши нисбатан катта, шу боис сафларимизни иқтидорли ёшлар билан тўлдириб боришимиз керак.

Тармоқлар томонидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳаларни кўпайтиришимиз лозим. Биргаликда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказлар сонини ошириш самарали эканини кўриб туришимиз. Интеллектуал бойлигимизни химоялаш мақсадида олимларимизнинг кўпроқ патент ва муаллифлик гувоҳномаси олишини, иложи бори-ча чет элларга лицензиялар сотилишини ташкил этишимиз зарур. Эндиликда фан мамлакатимиз ҳудуди билан чегараланиб қола олмайди, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, халқаро грантлар асосида илмий ишларни кўпайтириш кун тартибидида турган муҳим масалалар қаторига киради.

Сўхбатдош: Асрор МҮМИН,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Ижтимоий ҳимоя

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа ҳамкор ташкилотлар лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги «Кунгил нури» маркази қошида янги корхона ташкил этилди.

Бундан мақсад — ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар учун иш ўринлари очиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун яқиндан кўмаклашишдан иборат. Корхона замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда 25 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.

Арсрон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.




«Урганч шароб» акциядорлик жамияти жамоаси

Сиз азизларни,
боғбону соҳибкорларни,
узумни қайта
ишловчи корхоналар

ишчи-хизматчиларини
Ватанимиз мустақиллигининг
19 йиллиги билан
муборакбод
этади!

Ниятимиз шуки,
Халқимиз дастурхони
ҳамиша тўкин,
турмуши фаровон
бўлсин!

Байрам муборак,
азиз юртдошлар!



«Хоразм-Шакар»






ОАЖ шаклидаги қўшма корхона жамоаси

Юртдошларимизни энг улуғ,
энг азиз айём — мамлакатимиз

Мустақиллигининг 19 йиллиги билан қутлайди.

Иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш
ва ривожлантириш йўлидаги фидокорона
меҳнатингизга улкан
зафарлар тилаймиз!



«Сурхон – озиқовқатсаноат» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни
Ватанимиз Мустақиллигининг
19 йиллиги билан
муборакбод этади!


Пахтадан мўл ҳосил етиштиришдек
шарафли вазифани бажараётган азамат бободехқонларга
хирмонингиз баракали, умрингиз зиёда бўлсин, деймиз!

Истиқлол айёми муборак,
азиз юртдошлар!



Бухоро нефтни қайта ишлаш


заводи жамоаси



*Барча юртдошларимизни энг
улуғ, энг азиз айём
— Ватанимиз
Мустақиллигининг
19 йиллиги билан самимий
муборакбод этади!*

**Тинчлик, осойишталик,
хамжихатлик, меҳр-оқибат юртимизда
барқарор бўлсин!**

**Баркамол авлод йилида
ўғил-қизларимизнинг иқболи баланд,
катта ҳаёт йўлидаги қадамлари қутлуғ,
орзулари осмон бўлсин!**



**Байрамингиз муборак,
муҳтарам юртдошлар!**



Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Қарор ва ижро

Жамият тараққиёти, турмуш фаровонлиги ва Ватан равнақи чинакаммига умуминсоний қадриятларнинг қадр топиши ҳамда демократик тамойилларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Қонунчилигимизда инсон ва унинг шаъни, қадр-қиммати — олий қадрият, деб белгиланган. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи миллий институтлар изчил фаолият юритиб келади.

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш мақсадида, Адлия вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқлари ниҳом ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида унинг бўлиmlлари ташкил этилди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга кўра, Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя

қилишда адвокатлик тузилмаларининг ролини кўчайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек, адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш Адлия вазирлигининг муҳим вазифалари этиб белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган олти ой давомида бошқарманинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига келиб тушган жами 66 та ариза ва шикоят белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Шундан 19 та мурожаат қаноатлантирилди, 3 таси қасман асосли ва 7 таси асоссиз деб топилди, 30 та мурожаат юзасидан муаллифларга ҳуқуқий тушунтириш берилди, 5 та мурожаат тегишли идораларга юборилди.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қорхона, ташкилот

ва муассасаларга 1 та тақдимнома ва 2 та кўрсатма киритилди.

Масалан, Наманган вилоят «Сувоқова» давлат қорхонасининг Наманган шаҳар 2-филиали ишчисини А.Султоновнинг ходимларга ойлик иш ҳақини ўз вақтида берилмаётгани учун амалий ёрдам сўраб ёзган шикоятни ўрганиб чиқилиб, мазкур филиал ходимларга ойлик иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чораларини кўриш ҳақида кўрсатма киритилди. Натижада 4,0 млн. сўм миқдоридagi ойлик иш ҳақларининг ходимларга тўланиши таъминланди.

Наманган шаҳридаги «Бунёдкор» МФЙда яшовчи фуқаро Б.Аҳмедов турмуш ўртоғи Ж.Раҳмановага имтиёзли ёшга доир пенсия тайинлаш масаласида бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси Наманган шаҳар бўлимидан норози бўлиб, шикоят ёзган. Масала ўрганилди ва Ж.Раҳмановага имтиёзли ёшга доир пенсия тайинлашга оид ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш юзасидан кўрсатма киритилди. Бу кўрсатмага асосан, бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси Наманган шаҳар

булимнинг қарорига кўра, фуқаро Ж.Раҳмановага имтиёзли пенсия тайинланди.

Бундан ташқари, Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро М.Боймуродовнинг шаҳардаги енгил саноат касб-хунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарини хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган шикоятни ўрганиб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасига тақдимнома киритилди. Тақдимномага асосан, М.Боймуродовнинг иш ҳақини қонун талаблари доирасида қайта ҳисоблаб берилди ва коллеж директорининг ўринбосари З.Ўзбековага интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Адлия бошқармасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида «Ишонч телефони» жорий қилинган бўлиб, унга келиб тушадиган мурожаатлар қатъий назоратга олинади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида «Ишонч телефони»га 15 нафар фуқаро мурожаат қилди, уларнинг 12 таси қаноатлантирилди, 2 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 1 та мурожаат асоссиз, деб топилди.

Жумладан, Адлия бошқармаси томонидан Наманган шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси О.Дадабаевнинг нафақа пулини олишда амалий ёрдам бериши сўраб, «Ишонч телефони»га қилган мурожаатини ўрганиш яқини бўйича бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси Наманган шаҳар бўлими томонидан февраль ва март ойлари учун молиялаштирилган маблағларнинг нақд пул билан таъминланганлиги учун ОАТ «Алоқа банк» Наманган филиали раҳбари Б.Эгамбердиев ва мактаб ҳисобхонаси томонидан талабномалар ўз муддатда тақдим қилиниши назорат қилинмаганлиги учун 5-умумтаълим мактаби директори Н.Муродова амалдаги қонунчиликда белгиланган жавобгарлик ҳақида расмий равишда огоҳлантирилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси Наманган шаҳар бўлимига талабномаларни кечиктириб топширилганлиги учун мактаб ҳисобчиси И.Турабаевнинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар Наманган шаҳар Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Адлия бошқармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шу боис, бошқарма иш режасига кўра мутасадди идора ва ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиши мунтазам ўрганиб борилади. Вилоятнинг Учкўрғон, Қосонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин ва Уйчи туманларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг Халқ таълими бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлиmlлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ўрганилиши ўрганиб чиқилди. 44 та идора ва ташкилотда аниқланган қонунбузилишларини бартараф қилиш юзасидан 46 та тақдимнома, қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан прокуратура идорасига 1 та ҳамда туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига 2 та маъмурий тақлиф киритилди. Яна бир шахсга нисбатан

маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Кўрилган таъсир чораларига асосан, жами 93 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 4 нафар мансабдор шахс эггаллаб турган вазифасидан озод этилди. Шунингдек, 3 нафар мансабдор шахсга маъмурий жарима жазо чораси қўлланилди ва 1 та қонуний буйруқ ҳамда 1 та қонуний қарор бекор қилинди.

Масалан, «Учкўрғон пахта тозалаш» ОАЖ ходимлари ойлик иш ҳақи ва нафақа пулларини ўз вақтида олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилиши. У ўрганиб чиқилгач, «Учкўрғон пахта тозалаш» ОАЖ бош ҳисобчиси вази-фасини бажарувчи А.Ақбаровнинг маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан Учкўрғон туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақлиф киритилди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш мақсадида бошқарма томонидан семинарлар, давра суҳбатлари ва уршувлар ўтказиб келинмоқда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб боришмоқда.


Шуни айтиш кераки, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси давлат томонидан тўла қаролатилган. Бинобарин, демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Шерали МАҲМУДОВ, Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, I-даражали адлия маслаҳатчиси.

Хорижда Шарқий Осиё давлатлари

ўзаро келишиб олдилар

Дунёдаги йирик дарёлардан бўлмиш Меконг сув ҳавзаси атрофида яшовчи 300 миллиондан ортиқ аҳолини ўз ичига олган Шарқий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари 6 та давлатни — Хитой, Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Лаос ва Мьянма (аввалги Бирма)ни бир-бири билан боғловчи темир йўл тизимини яратиб тўғрисида ўзаро битим имзоладилар. Бу давлатларда мавжуд бўлган темир йўл тармоқлари ҳозирча бир-бири билан умуман боғланмаган. Лаосда эса темир йўл йўқ.



«AFP» АА хабар беришича, эндиликда Лаосда ҳам темир йўл қурилади ва бу тизим Бангкокдан Пномпенгача, Пномпендан Хошимингача, у ердан Ханойгача ва Хитойнинг жанубий худудларидаги Куангмин ҳамда Наньнин шаҳарларига ҳам қўйилади, давлатларни бир-бири билан ўзаро боғлайди.

Ҳисоб-китобларга кўра, Хошимин шаҳри билан Пномпен ўртасида янги темир йўл тармоғи тортиш учун 1,09 миллиард долларга тенг маблағ керак экан. Бошқа давлатлардаги мавжуд темир йўл тармоқларини бир-бири билан боғлаш учун эса яна 7 миллиард долларлик сармоя сарфланиши лозим.

Мазкур бирлашган темир йўл тармоғи қурилиши 2025 йилда аяқланади. Шундан сўнг бу тизим орқали йилга 3,2 миллиард йўловчига хизмат кўрсатиш имкони пайдо бўлади, 23 миллион тонна юк ўз манзилига етказилади. Бу эса мазкур худуднинг иқтисодий ривожига албатта ижобий таъсир этмай қолмайди.

2 минг гектарга қисқарди

аммо яна янги ёнғин учоқлари пайдо бўлмоқда

Россияда авж олган ўрмон ёнғинлари салкам икки ойдири қануз давом этмоқда.



Мамлакат Фавкулдада вазиятлар вазирлиги маълум қилишича, айни пайтда 239 та ёнғин ўчоғи мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони салкам 7 минг гектарни ташкил этади. Кейинги бир кеча-кундузда 225 та ёнғин ўчоғи ўчирилган бўлса, 176 та янги ёнғин ўчоғи пайдо бўлган.

4877,9 гектар майдонда энг йирик ва энг хавфли 24 та ёнғин ўчоғи ҳўл-қуруқчи ўз домига тортмоқда.

Умуман, ёнғин хавфи мавсуми бошлангандан бери мамлакат худудидида 29 мингдан ортиқ ёнғин ўчоғи вужудга келган.

550 миллиондан ортиқ тухум

саводдан йиғиштириб олинади

АҚШнинг озиқ-овқат ва дори-дармон сифатини назорат қилиш бўйича бошқармасидан олинган манбаларга асосланиб «CNN» телекомпанияси хабар тарқатишича, шу кунларда мамлакатнинг барча худудларидаги савдо тармоқларидан товуқ тухумлари йиғиштириб олинмоқда. Ҳаммаси бўлиб 550 миллион дондан ортиқ тухум йиғиштириб олинади, йўқ қилиниши лозим.

Сабаб: ушбу тухумларни истеъмол қилиш салмонеллез касаллиги тарқалишини келтириб чиқарган.


Айова ва Мэн штатларидаги парранда фермаларида салмонеллез бактериялари билан зарарланган тухумлар борлиги аниқланган. Ҳозир бошқа штатлар фермаларида ҳам текширув ишлари олиб боришмоқда.

Маълумки, май ойида АҚШда юқумли ичак касалликлари кенг тарқала бошлади. Ҳозирги пайтда айнан салмонеллез билан касалланганлар сонинг мишига етди. Касаллик 14 та штатда тарқалган.

«EV MARMAR STONE» МЧК жамоаси «Нуротамар» хусусий қорхонасида узок йиллар раҳбарлик қилган

Шоди ФОЗИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистонга галаба билан қайтамиз»



Сингапур олимпиадасининг еттинчи куни дзюдочимиз Мансурхўжа Мўминхўжаев кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, саккизинчи куни боксчимиз Аҳмад Мамажонов камида кумуш медални нақд қилиб қўйди.

Дзюдо турининг 55 кг вазн тоифасида қатнашган Мансурхўжа ўз гуруҳида барча рақибларини енгиб финалга чиқди. Хал қилувчи беллашувда чехиялик Давид Пелкерабекка қарши асосий вақтда ва қўшимча белгиланган 2 дақиқада тенгма-тенг кураш олиб борди. Бироқ ҳакамлар голибликни чехиялик спортчига беришди. Мансурхўжа Мўминхўжаевга

Сингапур олимпиадасининг кумуш медали насиб этди. Шу куни боксчиларимиз ҳам рингга кўтарилди. 48 кг вазн тоифасида Зоҳиджон Хурбоев рундалик спортчини, 81 кг вазн тоифасида Сардор Беғалиев Эрон вакилини енгиб ярим финалга чиқди. Стол теннисини яқкалик мусобақаларида иштирок этган Элмурод Холиқовга бироз омад қилиб



бокмади. Энди у россиялик теннисчи билан ҳамкорликда фўтлик мусобақаларида қатнашади.

Мусобақанинг саккизинчи куни дзюдочимиз Гулноза Матиниёзова 63 кг вазн тоифасида мурасасиз ўтган тўртта кураш натижасига кўра бронза медали учун беллашув ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ тенгма-тенг келган бу баҳсда ҳам ҳакамлар голибликни унинг рақибига беришди. Гулноза 4-ўрин билан кифояланди. Боксчиларимиздан ҳам шу куни омад юз ўтгирди. Сардор Беғалиев кубалик боксчига ютказган бўлса, Зоҳиджон Хурбоев Ирландия вакилига икониятни бой берди. Ниҳоят, 69 кг вазнда қатнашаётган Аҳмад Мамажонов туркманистонлик рақибини енгиб, финалга чиқди. Камида кумуш медални нақд қилган Аҳмад эртага бразилиялик боксчига қарши рингга кўтарилди.

Кеча енгил атлетикачиларимиз Руслан Курбанов ва Анастасия Байкова уч хатлаб сакрашнинг финал мусобақаларида медаллар учун кураш олиб боришди.

Ҳозирча мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоамиз жамгармасида 2 та кумуш, 3 та бронза медали бор. Юқорида таъкидлаганимиздек, эртагаёқ қўлга киритилган медалларимиз сонини ошади.

Биз Сингапур олимпиадасида медаллар учун кураш олиб бораётган иқтидорли спортчиларимизга галаба тилаймиз.

Асрор МЎМИНОВ

Чуст боғидаги сайил

Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғоя остида атоқли шоир Чустий (Набиҳон Хўжаев) хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, шоир Зиёвуддин Мансур оғил борган бу тадбирда шоир-ёзувчилар, санъаткор ва олимлар, сўз усталари иштирок этишди.

Унда НамДУ профессори Алихон Халилбеков, хизмат кўрсатган маданият ходими Эрмат Нурматов, санъатшунос олим Сойибжон Беғматов, адабиётшунос олим Назиржон Назоров шоир адабий мероси ҳақида гапирган бўлса, Ўзбекистон халқ хофиси Маҳмуджон Тожиев, Ўзбекистон халқ артистлари Абдухўшим Исмоилов, Зулайхо Бойхонова, Матлуба Дадабоева Чустий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқларни ижро қилишди.

Катнашчиларда катта таассурот қолдирган чустийонлик тадбирида туман ҳокими, Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров ва қўшни вилоятлардан меҳмонлар иштирок этишди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Манфаатли ҳамкорлик

Келажақда «Шаргунқўмир» очик турдаги акциядорлик жамиятида йилга 500 минг тонна кўмир қазиб олинади, 750-800 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлади

Иқтисодий

Сурхондарё воҳасида ёнғунчи сланец, олтингургурт, оҳак, фосфорит ва бошқа маъданларга бой талай конлар борлиги аниқланган. Истиқлол незмати «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг фойдаланишга топширилиши эса хорижлик ишбилармонлар билан алоқани мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаяпти. Жумладан, Бойсун ҳамда Шаргундаги кўмир конларига хорижлик ишбилармонлар катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Яқинда бир гуруҳ хитойлик кўмир саноати мутахассислари «Шаргунқўмир» очик турдаги акциядорлик жамиятида бўлишди. «Чженчжоу» компанияси мутахассислари гуруҳининг воҳага ташрифидан қўзланган мақсад — қорхона модернизация қилишидир. — Худуд бебаҳо бойликка эга, — дейди Хитойнинг «Тоғкон жиҳозлари» компанияси президенти Цзяо Чаньёо жаноблари. — Келажақда бу ердан йилга 500 минг тонна кўмир қазиб олса

бўлади. Бунинг учун аввало қорхонани модернизация қилиш лозим.

Айни кунларда бу ерда 300 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, келажақда 750-800 киши муқим иш жойига эга бўлади.

Дастлабки бошқичда ҳамкорлар конни ўрганиш, ишни ташкил этиш, технологик ҳолатларни аниқлаш, кейинчалик янги ускуналар келтиришни режалаштирган. **Абдулмуқим ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЭНГ УЛУҒ ВА
ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иклимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

Тошкент шаҳрида:
**«ТУРОН» ОАЖ
САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.
**«ЧИНОБОД» ОАЖ
САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:
**«БОТАНИКА»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

**«УМИД ГУЛШАНИ»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.

**«ОҚТОШ»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Бухоро шаҳрида:
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:
**«ЗОМИН»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:
**«КАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»
САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

**«МИРОҚИ»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:
**«ЧОРТОҚ» ОАЖ
САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.

**Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда
энг арзон йўлланмалардир!**

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар кўшимча тўловларсиз, ўз нархида сотилади. Шу билан бирга, Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДХдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 256-85-68, 256-70-97.**

аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
**«КОСОНСОЙ»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

Самарқанд вилоятида:
**«АБУ АЛИ ИБН СИНО»
САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятида:
**«ЧИМЁН»
МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.


Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

Қашқадарё

**«МЕВАСАБЗАВОТ-
ТАЙЁРЛОВСАВДО»**

компанияси жамоаси

**Барча
юртдошларимизни,
шу соҳада фаолият
кўрсатаётган
касбдошларимизни
энг улуғ, энг азиз
байрамимиз —
Мустақиллигимизнинг
19 йиллиги билан
самимий
муборакбод
этади!**




«ФАРҒОНААЗОТ»


очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

**Халқимизни
мамлакатимиз Мустақиллигининг
19 йиллик байрами билан
табриклайди.**

**Тинчлик-осойишталик,
фаровонлик юртимизни ҳеч
қачон тарк этмасин!
Она диёримизнинг мусаффо
осмони узра ҳуррият қуёши
абадий нур сочиб турсин!**



Farg'onaAzot



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihdin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

223-06-02

Gulistonda —

25-46-45

Jizzaxda —

227-48-35

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

226-43-81

Nukusda —

222-77-21

Samarqandda —

35-02-55

Urganchda —

517-30-58

Farg'onada —

224-18-78

Denovda —

8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonada manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749

8091 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 21.57
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda